



ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИ ҲАР БИР ИНСОН, ҲАР БИР ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ҲАЁТИДА ЯҚҚОЛ СЕЗИЛИШИ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 8 октябрь куни Сурхондарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз сафарини буюк аллома Ҳаким ат-Термизий макбарасини зиёрат қилишдан бошлади.

Аллоҳ таолодан юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб дуо қилинди.

Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида сурхондарёлик сайловчилар билан учрашув ўтказди.

Шундан сўнг Президентимиз Термиз шаҳридаги 9-ихтисослаштирилган мактаб-интернатини бориб кўрди.

Бу мактаб 1979 йилда қурилган. Бинолар эски, хоналар камлиги туйғайиб талабга жавоб бермай қолган. Ўқувчи ўрни бор-йўғи 250 та.

Бугунги кунда мактаб қувватига нисбатан 2 баробар кўп юклама билан ишламоқда. Шунингдек, фан ва спорт тўғрисидаги ташкил этиш учун имконият етарли эмас.

Шунга қарамай, таълим сифати жуда яхши. Ўқувчи-

ларнинг олий таълим ва ихтисослаштирилган мактабларга кириш кўрсаткичлари юқори.

Қолаверса, атрофда янги уйлар қурилиб, аҳоли сони кўпайиши билан мактабга талаб ошиб бормоқда.

Президент ушбу муассаса ўрнида 1 минг 500 ўринли замонавий мактаб барпо этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

— Мамлакатимиз бугун ўз олдига қўётган мақсадларни амалга оширадиганлар — кадрлар. Муаллимнинг обрўйини кўтариб, таълимни тўғри йўлга қўймас эканмиз, натижа бўлмайди. Шунинг учун келгуси беш йилда мактабларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича янги Миллий дастур қабул қилинади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлат раҳбари ушбу мактаб ўқитувчилари билан суҳбатлашди. Улар мактаб таъ-

лимини яхшилаш ва муаллимларни рағбатлантириш бўйича таклифларини айтди.

Шу ерда Сурхондарё вилоятида умумтаълим тизимини ривожлантириш чоралари муҳокама қилинди. Сурхондарё вилоятида 96 минг кўшимча ўқувчи ўрни яратиш режалаштирилган. Бунинг учун 21 та янги мактаб ва 358 та мактабда янги бинолар қурилади, 116 та мактаб мукамал таъмирланади. Ахборот технологиялари, математика, кимё-биология фанларига ихтисослаштирилган 19 та мактаб ташкил этилади.

Президент Термиз шаҳридаги Гулистон маҳалласида бўлди.

Сўнгги йилларда бу ерда янги уйлар, савдо ва маиший хизмат соҳобчалари, болалар ўйингоҳлари барпо қилинди. Ҳовлиларда яшовчилар ердан унумли фойдаланиб, деҳқончилик, чорва-

чилик, паррандачилик билан шуғулланади.

Давлатимиз раҳбари шу ерлик Сайдулла Мирзаев хонадонига кириб, оиланинг яшаш шароитлари билан танишиди.

Оила бошлиғи узоқ йиллар чўпонлик қилган. Турмуш ўртоғи Ҳосият ая билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган. Хонадон обод. Томорқадаги иссиқхонада лимон кўчатлари экилган.

— Сурхондарё — Худо берган замин. Бу ерда қишлоқ хўжалигидан бир йилда уч марта ҳосил олиш мумкин. Шундан фойдаланиб, ривожланган давлатлардан технология олиб келиб, маҳсулотларга бозор топишимиз керак. Бу ҳам қўшимча даромад, янги иш ўринлари бўлади, — деди Президент.

Сайдулла ота бугунги кунда ўғли тадбиркор, келини

шифокор бўлиб ишлаётгани, неваралари яхши таълим олаётгани, турмушига шукр қилишини айтди.

— Шукроналик — энг эзгу қадрият, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ҳозир яшаш учун ҳам, ўқиш, ишлаш учун ҳам ҳамма шароит бор. Энг аввало, юртимизда тинчлик-осойишталик бўлиши керак.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрининг Мангузар маҳалласида қурилган замонавий кўп қаватли уйлари ҳам кўздан кечирди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташири ниҳоясига етди. Давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

М.ЭЛМУРОВОВ, А.ХУДОЙҚУЛОВ, Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбирлари.



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида “Адолат” социал-демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Баҳром Абдуҳалимовнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган кўплаб устувор йўналишларга оид мақола чоп этиляпти.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

Таълим

ЮТУҚЛАР ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРДА ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Кеча Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича Парламент комиссияси мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раиси, Парламент комиссияси хамраиси Т.Норбоева кириш сўзи билан очди.

Мажлисида Парламент комиссияси, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари, БМТ тузилмаларини Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари масъуллари ҳамда нодавлат ношароит таълим олишчи вакиллари иштирок этди.

Йиғилишида Барқарор ривожланишнинг 4-мақсади — умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш борасида мамлакатимизда, шу жумладан, Самарқанд вилоятида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Айтиш жоизки, сўнгги беш йилда таълим тизимини такомиллаштириш бўйича муҳим қонун ҳужжатлари, хусусан, мактабгача таълим, халқ

таълими ҳамда олий таълим тизимини 2030 йилга қадар ривожлантиришга қаратилган концепциялар қабул қилинди. Қайд этилганидек, олиб борилган ишларнинг натижасида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 2017 йилда 27,7 фоиздан 2021 йилга келиб 62,4 фоизга ортди.

Мактабгача таълим тизимида мутлақо янги йўналиш — давлат-хусусий шериклик асосидаги, хусусий, нодавлат ва оилавий таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада мактабгача таълим ташкилотлари сони қарийб тўрт баравар ортди. Таълимга жалб этилган болаларнинг 25 фоизи нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбия олмақда.

Болаларнинг умумий ўрта таълим билан қамров даражаси ҳам ортиб, 2016 йилда 9 минг 680 та мактабда 4 миллион 808 минг нафардан ортиқ ўқувчилар таълим олган бўлса, 2021 йилга келиб мактаблар сони 10 минг 8 та, уларда таълим олаётган ўқувчилар сони эса 6 миллион 236 минг нафарни ташкил этди.

Сарҳисоб

Кейинги беш йил ичида Ўзбекистон демократик янгиланишлар, жадал ривожланиш ва кенг қўламли ислохотлар мамлакатига айланди. Авваламбор, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида миллий парламентаризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Утган қисқа даврда парламентнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тубдан ўзгарди. 2017 йилдан янги демократик институт — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси институти амалиётга жорий қилинди.

ПАРЛАМЕНТ — ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Қонун ижодкорлиги фаолияти тубдан ўзгарди

Парламент кўйи палатасининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ишлари ҳам бутунлай янги йўналишда ташкил этилди. Қонун ижодкорлиги фаолиятининг илмий ва эксперт-таҳлилий таъминоти мустаҳкамланди. Олий Мажлис ҳузуринда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти иш бошлади.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йилда қабул қилинган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Хусусан, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномаларга, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди.

Тўғридан-тўғри амал қиладиган, яъни икром этилиши учун қонуниёт ҳужжати ишлаб чиқиши талаб этилмайди деган қонунларни қабул қилишга эътибор кўчатилди. Муайян соҳага тааллуқли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда бир неча қонун ўрнига, ягона кодекс қабул қилиш амалиёти қарор топди. Масалан, илгари сайловга оид 5 та қонун ўрнига ягона Сайлов кодекси қабул қилинди.



АҲОЛИНИНГ ХАБАРДОРЛИК ДАРАЖАСИ ОШМОҚДА

Аввал хабар берилганидек, сенаторлар Олий Мажлис Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисида қўрилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, тегишли дастурлар ва ҳужжатлар ижросини ўрганиш ҳамда фуқаролар мурожаатлари билан жойида ишлаш мақсадида ҳудудларда бўлиб турибди. Шу мақсадда жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Муҳими, айтиш керакки, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ижро органлари масъуллари ва аҳоли вакиллари хабардорлик даражаси ошмоқда ҳамда мурожаатларнинг аксарияти ҳал этиляпти.

Сенатор ва ҳаёт

Барча шаҳар ва туман марказида 2 тадан яшил майдон барпо қилинади

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши котибиятида Президент қонун лойиҳасини киритиш билан кифояланиб, уни депутатлар олдида ҳимоя қилиш масаласига унча эътибор қаратишмас эди. Натижада бошқа субъектлар киритган қонун лойиҳасини парламентда ҳимоя қилиш ҳам депутатлик корпуси зиммасига юклатиларди. Бу эса лойиҳанинг қизгин муҳокама этилишига салбий таъсир кўрсатар эди. Эндиликда, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинаётганда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг ўзи ёки унинг вакили маъруза билан чиқиши белгиланди. Натижада қонун лойиҳасининг муҳокамаси том маънода жонланди. Айтиш жоизки, Қонунчилик палатасининг кўриб чиқадиган қонун лойиҳалари сони аввалги йилларга қараганда қарийб 3 баравар кўпайди.

рали ташкил этиш ва яшил майдонларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Шухрат Чўлиев ва Абира Хусейнова иштирок этган йиғилишда тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ушбу масала юзасидан ахборотлари тингланди.

Ўз навбатида, сенаторлар томонидан экологияни яхшилаш бўйича белгиланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши лозимлиги

ГУЛИСТОНЛИК ЎҚУВЧИ ЁШЛАР УЧУН ЧИНАКАМ РАҒБАТ

Гулистон туманидаги 27-мактабнинг информатика синф хонаси замонавий компьютер жиҳозлари ва ўқув мебеллари билан жиҳозланди.

Ҳар қандай давлатнинг юксак тараққий этиши, халқнинг фаровонлиги ёшларга яратиб бериладиган имконият ва қўлайликлар билан баҳоланади. Яъни мамлакат тараққиётига киритиладиган юқори самарали сармоя ёшлар таълим-тарбиясига йўналтирилган инвестиция экани ҳаётда исботланган ҳақиқат. Шу маънода, янги Ўзбекистоннинг учинчи Ренессансга дадил қадам қўйиши замонавий инновацион билимларни эгаллаш, ҳар томонлама етув ва баркамол, инсон капитали соҳиб бўлган ёш авлоднинг эртанги кучли интеллектуал салоҳияти, иқтидори ва қобилиятига боғлиқ.

Имконият



КЕЛАЖАККА ДАХЛДОР ДАСТУР

Шу кунларда мамлакатимизда Президент сайлови муносабати билан тарғибот-ташвиқот ишлари авж палласига кирди. Ҳар бир фуқаро шу азиз юртимизнинг келажагига бефарқ бўлмаган фарзанд сифатида сайлов жараёнига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Маълумки, бу галги Президент сайловида бешта сиёсий партиядан беш номзод кўрсатилди. Улар халқимиз учун ўз Сайловолди дастурларини эълон қилди. Бу ҳам мамлакатимизда демократик тамойилларнинг, сайловда шаффофлик, адолат устуворлигининг ўзига хос намоёниши бўлди. Энди гап халқимизнинг Президентликка муносиб номзодни танлаб олишида қолди.



Мен «Адолат» СДП аъзоси бўлганим учун ҳам партиямиз номзодини яхши таныйман. Баҳром Абдуҳалимов ҳар бир ишга масъулият билан ёндашади. Бирор ишни бошласа, охирига етказишга ҳаракат қилади.

Б. Абдуҳалимов 1981 йилдан бошлаб Тошкент давлат университетининг шарқшунослик факультетида араб тили филологияси бўйича таълим олган.

Баҳром Абдуҳалимов шарқшунос сифатида амалиётни ҳам, илм-фан соҳасида тадқиқотчиликни ҳам биргаликда олиб борди.

У дастлаб Ливия Араб Республикасида таржимон, кейин Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазириликнинг Хорижий мамлакатлар билан илмий-техник ҳамкорликлар бошқармасида етакчи ходими, шундан сўнг ҳарбий таржимон сифатида фаолият юртиди.

1985 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида кичик илмий ходимликдан бошлаб, 2003 йилда илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига бўлган йўлни босиб ўтди. Тарих фанлари номзоди, тарих фанлари доктори илмий унвонларига муносиб тадқиқотларни амалга оширди.

У 2003 — 2005 йилларда Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети пропретори, кейинчалик ЎзРФА Шарқшунослик институти директори, 2006 — 2008 йилларда Президент маслаҳатчиси лавозимларида ишлаган.

Айни пайтда Баҳром Абдуҳалимов ЎзРФА Шарқшунослик институти директори ва Фанлар академияси вице-президенти, шунингдек, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Баҳром Абдуҳалимовнинг асосий илмий тадқиқот мавзуси IX асрда Бағдодда фаолият юритган «Байт ул-ҳикма» билан боғлиқ. Тарихда Бағдод Маъмур академияси деб ном олган бу илм-маърифат масканида математика, астрономия, табобат, кимё, география ва бошқа фанлардан жуда кўп кашфиётлар қилинган ҳамда бу кашфиётларни амалга оширишда Марказий осийлик алломалар — Мухаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад



тарихида тутган ўрни ва бу борада Марказий осийлик алломаларнинг ҳиссаси хусусида «Байт ул-ҳикма» ва Марказий Осий олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX — XI асрларда аниқ ва табиий фанлар)» монографиясини яратди.

Олимнинг 100 га яқин мақола, рисола ва монографиялари chop этилган. Аҳмад Фарғонийнинг Англиядаги Бодлиан кутубонасида сақланиб қолган «Астрономия асослари» номли кўлёмаси ҳам Баҳром Абдуҳалимов томонидан тадқиқ этилган.

Баҳром Абдуҳалимов турли йилларда кўплаб халқаро анжуманларнинг ташкил этилишида фаол қатнашди ва илмий маърузалар қилди.

Баҳром Абдуҳалимов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти сифатида илмий тадқиқот натижаларини ҳаётга жорий этиш, фан ва таълим тизимлари интеграциясини кучайтириш ишларига бош-қош бўлиб, юқори малакали илмий мутахассисларни тайёрлаш, бу жараёнда халқаро илмий ҳамкорликни жадаллаштириш, олимларнинг обрў-эътибори, ижтимоий мақомини оширишга йўналтирилган илмий-ташқилий чора-тадбирларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Шунингдек, Баҳром Абдуҳалимов партиа нуфузини янада ошириш, сон ва сифат жиҳатидан янгилаш, «Адолат» социал-демократик партиясининг давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

«Адолат» СДП ўз олдига яқин ва ўрта муддатли стратегик вазифаларни белгилаш ва амалга ошириш вазифасини кўйди: мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш, эркин бозор иқтисодиғига асосланган адолатли демократик давлат қуришни давом эттириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришни жадаллаштириш ва фуқаролик жамияти инс-

титутларини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш даражасини янада ошириш, халқаро муносабатларда Ўзбекистон нуфузини кўтариш ҳамда иштирокини кенгайтириш каби масалалар Баҳром Абдуҳалимовнинг Сайловолди дастурида 10 та устувор йўналиш сифатида ўз аксини толган.

Мен номзоднинг Сайловолди дастуридан ўрин олган айрим устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Жумладан, дастурда адолатли жамият ва адолатпарвар давлат қуриш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, таълим соҳасида адолат устуворлигини таъминлаш, юксак маънавият билан тараққий этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, илм-фан — адолат ва тараққий этиш йўналиши муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда бутун дунёда, таъбир жоиз бўлса айтиш мумкин, ҳар бир соҳада ривожланиш учун шиддатли рақобат муҳити юзага келган. Ана шундай муҳитда фақат замонавий илм-фан, юқори технологиялар ва инновация туюқларини кенг жорий этиш орқали тараққий этиш имконлиги мумкин.

Бутун дунёда тараққий этишнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк эта оладиган соҳа, шубҳасиз, илм-фандир. Шу боис жаҳоннинг етакчи давлатлари илм-фанни ривожлантиришга биринчи галдаги вазифа сифатида қарашади. Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳа сингари илм-фан соҳасида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани бежиз эмас. Зеро, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда илм-фаннинг аҳамияти катта.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатдош кадрлар тайёрлаш мақсадида олий ўқув юр்தлари сони бир неча баробарга оширилди, шунингдек, ўттизга яқин хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари очилди. Номзод ўз дастурида мазкур ислохотлар жараёнини қўллаб-қувватлаб, уни янада самарали давом эттириш тарафдори эканлигини билдирган.

«Адолат» СДП адолатпарвар жамият ва давлат барпо этишда таълим, илм-фан ва инновациянинг аҳамиятини ошириш чораларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Олиб борилган ислохотлар самараси ўларок, Ўзбекистон тарихида биринчи марта «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Чунки таълим ва фан жамиятни тараққий этишда элтувчи асосий мезон, «драйвер» ҳисобланади.

Ўз навбатида, Баҳром Абдуҳалимов олий таълим муассасаларини жаҳон университетларининг World University Rankings (QS Rankings) рўйхати-га кириштириш, бу жараёнда мавжуд талабларни бажариш асосида дунё тан оладиган университетлар ва марказлар қаторига қўшишга хизмат қиладиган чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ

этишни тақлиф қилмоқда.

Баҳром Абдуҳалимов Сайловолди дастурида нафақат олимларни, балки ҳар қандай ихтиро ва ихтирочиларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва уларга зарур шароитларни яратишни асосий масалалардан бири сифатида белгилаб олган. Шунингдек, иқтисодиётнинг ҳақиқий лоқомоти бўлган муҳандис, технолог, агроном-механизатор каби мутахассислар сонини янада кўпайтириш, малакасини ошириш чораларини кўришга эътибор қаратмоқда. Ушбу чоралар сифатли кадрлар ва мақсадли мутахассис тайёрлашга, уларнинг юртимиз меҳнат бозорига ўз ўрнини топишга хизмат қилади. Меҳнат бозорига зарур ва эҳтиёж мавжуд мутахассисликларни аниқлаб, олий таълимга кадр тайёрлашга буюртма бериш ишлари йўлга қўйилса, албатта, бу чоралар юрт фаровонлигига йўл очади.

Мамлакатимизда фундаментал фанлардан олинган ижобий натижаларни тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озик-овқат хавфсизлиги ва биотехнологиялар, гидрология ва сув муаммолари, энергетика, муқобил энергия манбалари ва ресурстежамкор технологиялар, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси каби соҳаларга жорий қилиш ишларини изчиллик билан давом эттириш орқали мамлакат иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш вазифаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

«Адолат» СДП номзоди Ўзбекистонда жаҳоннинг Гавайи, Канада ороллари ҳамда Чилида жойлашган энг нуфузли обсерваториялар билан рақобатлаша оладиган Майданак обсерваториясидан унумли фойдаланган ҳолда астрономия соҳасида ажодларимиз илмий меросидиғи илгор аъналарни ўрганиш ишларини давом эттириш тарафдори. Бу, ўз навбатида, ёшларимизда илм-фанга ҳамда юқори технологияларга бўлган қизиқишни оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон дунёда математика соҳасида етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Шу боис мазкур соҳада илгор олий ўқув юр்தлари, хусусан, АҚШ, ЕИ, МДХ, Ҳиндистоннинг ахборот технологиялари бўйича етакчи университет, марказлари билан ҳамкорликда миллий мутахассислар тайёрлашни кучайтириш, миллий Силикон водийсини яратиш борасида сўнгги йилларда юр-



Бутун дунёда тараққий этишнинг тамал тоши, мамлакатни қудратли, миллатни буюк эта оладиган соҳа, шубҳасиз, илм-фандир. Шу боис жаҳоннинг етакчи давлатлари илм-фанни ривожлантиришга биринчи галдаги вазифа сифатида қарашади. Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳа сингари илм-фан соҳасида ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани бежиз эмас. Зеро, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда илм-фаннинг аҳамияти катта.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, юқори билим ва малакага эга бўлган, рақобатдош кадрлар тайёрлаш мақсадида олий ўқув юр்தлари сони бир неча баробарга оширилди, шунингдек, ўттизга яқин хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари очилди. Номзод ўз дастурида мазкур ислохотлар жараёнини қўллаб-қувватлаб, уни янада самарали давом эттириш тарафдори эканлигини билдирган.

тимизда амалга оширилаётган муҳим вазифалар ҳам номзоднинг назаридан четда қолмаган.

Илм-фанни ривожлантиришдаги устувор йўналишлардан яна бири мамлакатимизда «яшил иқтисодиёт»ни шакллантириш, углерод двуокисини ҳавога чиқаришни камайитириш, сувни тежовчи ва сифатини яхшиловчи, минтақамиз шароити ва аҳоли учун мос миллий тадқиқотлар, технологияларни яратишни янада рағбатлантиришдир. Чунки келажак авлодларимизнинг соғлиғи ва ижтимоий тараққий этиш атроф-муҳит барқарорлигини сақлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Хулоса ўрнида сайловчиларни бизнинг номзодимизни қўллаб-қувватлашга чақираман.

Тоҳир ПОЛВОНОВ,
«Адолат» СДП Хоразм вилояти кенгаши раиси.



Баҳром Абдуҳалимов Сайловолди дастурида нафақат олимларни, балки ҳар қандай ихтиро ва ихтирочиларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва уларга зарур шароитларни яратишни асосий масалалардан бири сифатида белгилаб олган. Шунингдек, иқтисодиётнинг ҳақиқий лоқомоти бўлган муҳандис, технолог, агроном-механизатор каби мутахассислар сонини янада кўпайтириш, малакасини ошириш чораларини кўришга эътибор қаратмоқда. Ушбу чоралар сифатли кадрлар ва мақсадли мутахассис тайёрлашга, уларнинг юртимиз меҳнат бозорига ўз ўрнини топишга хизмат қилади. Меҳнат бозорига зарур ва эҳтиёж мавжуд мутахассисликларни аниқлаб, олий таълимга кадр тайёрлашга буюртма бериш ишлари йўлга қўйилса, албатта, бу чоралар юрт фаровонлигига йўл очади.

Фарғоний, Аҳмад Марвазий, Яхё ибн Абу Мансур, Аҳмад ас-Сарахсий, Аббос ал-Жавҳарий, Аҳмад ас-Сағоний, Абдуллоҳ ибн Амажур ат-Туркий каби ажодларимиз қолдирган илмий мероснинг аҳамияти катта бўлган. Баҳром Абдуҳалимов ана шу академиянинг дунё

уларни амалга ошириш вазифасини кўйди: мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш, эркин бозор иқтисодиғига асосланган адолатли демократик давлат қуришни давом эттириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришни жадаллаштириш ва фуқаролик жамияти инс-

ПАРЛАМЕНТ — ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Ўтган даврда давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиб беришнинг, илгари мавжуд бўлмаган 50 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Мақтабча таълим ва тарбия тўғрисида"ги, "Волонтерлик фаолияти тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари олдига боради

Ўтган даврда аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишни янги механизм ва самарали усулларни жорий қилиш депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятининг устувор йўналишига айланди.

Сайлов округларидаги сайловчилар билан ҳамкорликнинг шакли ва усуллари ўзгаририлди. Халқ вакиллари фаолиятида сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт, деган тамойил устуворлик касб этди.

Илгари депутатлар ўз сайловчилари билан йилда икки-уч марта учрашган бўлса, бугунги кунда депутатлар ҳар ойнинг охирига ҳафтада сайлов округларида бўлиб, уларни қийнаб келаятган муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланмоқда.

Ўтган даврда депутатлар ҳудудларда одил судловни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, шахсий томоқлардан самарали фойдаланиш, "темир дафтар"га киритилган аҳолини қўллаб-қувватлаш, "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари" асосида ишсиз ёшлар ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни атрофлича ўрганиб, соҳада тегишли чоралар қўрилишига эришилди.

ли фойдаланилиши натижасида пандемия шароитида ҳам миллий парламентаризм бир кун бўлса-да ўз ишини тўхтатмади. Барча муҳокамалар ва овоз бериш жараёни онлайн тарзда ўтказилиб, аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган қатор қонунлар қабул қилинди.

Халқро ҳамкорлик алоқалари кескин фаоллашди

Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли халқро парламент ташкилотлари бўлган Парламентларо Иттифоқда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеясида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентларо Ассамблеясида ўзининг аъзолигини тиклади. Бу эса кенг доирадаги масалалар бўйича самарали ҳамкорлик борасида қўшимча имкониятлар эшигини очди.

Ўтган даврда Олий Мажлисининг ҳорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича қатор парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилди. Қонунчилик палатасида 2015—2019 йилларда 28 та парламентларо ҳамкорлик гуруҳи фаолият олиб борган бўлса, 2021 йилда уларнинг сони қарийб икки баравар ошди, 52 тага етди.

Ижро назоратида янги институтлар жорий қилинди

Тараққиётнинг янги босқичида парламентаризм тизимининг салоҳиятини кўтариш соҳасида амалга оширилган ислохотлар тўғрисида парламентнинг назорат қилиш ваколатлари ҳам сезиларли даражада кенгайтирилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури ижроси бўйича парламент олдига ҳар чоракда ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилди. Парламент назоратининг ушбу янги шакли Ҳукуматнинг халқ вакиллари олдига маъсулиятини ошириш, давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда депутатлик корпусининг ислохотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, Ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш — "Ҳукумат соати" институти амалиётга самарали жорий этилди. Мазкур институт парламент назорати фаолиятига янги чарх олиб кирди. Бугунги кунда аҳолини таъминлашга солиб келаятган ҳаётий долзарб муаммоларга айнаган "Ҳукумат соати" тадбирларида ечим топилаётган бўлса, бундай тадбирларимиз ижтимоий тармоқларда, хусусан, Қонунчилик палатасининг "Youtube", "Facebook" ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри, жонли эфирда намойиш этиб борилаётган.

Илгари парламент назорати объектига давлат ва ҳокимият бошқаруви органлари қирар эди. Лекин шундай давлат органлари борки, улар давлат бошқаруви органларига кирмайди. Ёки парламент назоратини ҳужалик бошқаруви органлари устидан ҳам ўтказишга эҳтиёж туғилди. Чунки қонунлар ижроси билан боғлиқ масалалар барча соҳада вужудга келади, аҳолини қийнайдиган масалалар ҳам фақат давлат органлари билан боғлиқ бўлиб қолавермайди. Шундан келиб чиқиб, биз парламент назорати объектини кенгайтирдик. Эндилда, парламент назорати давлат органлари ва ҳужалик бошқаруви органлари устидан ҳам олиб борилади.

Илк бор Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни қонун шаклида қабул қилинди. Ўз навбатида, бюджет ижроси устидан назорат ҳам эндиликда вазирлик ва соҳалар кесимида манзилли олиб борилаётган. Бугунги кунда нафақат Ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, балки унинг аъзолигига номзодларни Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиш ва маъқуллаш амалиёти жорий этилди. Бу эса ҳукумат таркибининг шакллантиришда халқ вакиллариининг бевосита иштирокини таъминламоқда ҳамда уларнинг фикри ва овози асосида муайян бир ва-зир ёки бошқа ҳукумат аъзосини вазирликга қўйиш амалга оширилмоқда. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозими жорий этилди.

ГУЛИСТОНЛИК ЎҚУВЧИ ЁШЛАР УЧУН ЧИНАКАМ РАҒБАТ



Шу боис Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилаётган. Хусусан, ёшларга ахборот технологиялари ҳамда дастурлаш соҳасида таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Жорий йилнинг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилиниши ҳам ўтган йилларда жамиятнинг интеллектуал ва инновацион салоҳиятини юксалтириш йўлида бошланган прогрессив ислохотларнинг манғити домини-дир, десак, асло муболағ эмас.

Мазкур йўналишдаги мақсадларга эришишда ахборот-коммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, соҳа билан машғул ёшлар контингентини кўпайтириш, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу мақсадда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги 27-сонли кимт ва биология фанларига ихтисослаштирилган мактабининг информатика синфхонаси замонавий компьютер жиҳозлари ва ўқув меъеллари билан таъминлаб берилди.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида ахборот технологияларининг ўқитишнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, меҳнат бозорининг малакали ИТ-мутахассисларга бўлган талабини қондириш йўналишларида бир қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан, республикада биринчилардан бўлиб 190 та мактабга таълим ва 315 та халқ таълими объектларида тўлиқ оптик толали алоқа линиялари ташкил



Ёш парламентарийлар кўпайди

Сўнгги йилларда парламентда ёшларнинг ўрнини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Қонунчилик палатаси депутатларининг 9 нафари ёки 6 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшларни ташкил этаётди. Бугунги кунда палатада фаолият юритаётган Ёшлар парламенти аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнига ёшларни жалб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда фаол қатнашмоқда.

Жумладан, ўтган давр мавзисинда 19 та қонун лойиҳаси юзасидан Ёшлар парламенти томонидан илгит-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид тақлифлар тайёрланди.

Очиқлик ва шаффофлик бош мезонга айланди

Тараққиётнинг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотларга ҳамоҳанг тарзда парламент фаолиятида ҳам очиқлик ва шаффофлик бош мезонга айланди.

Хусусан, медиа маконининг талаб ва эҳтиёжларига мос тарзда Қонунчилик палатаси мажлислари, парламент назорати тадбирлари, сиёсий партия фракциялари, кўмита йиғилишларини оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали тўғридан-тўғри эфирга узатиш амалиёти йўлга қўйилди.

Электрон парламент механизмида самара-



Сўнгги йилларда халқро йўналишдаги қонун ижодкорлиги ҳам сифат жиҳатидан сезиларли даражада ўсди. Жумладан, 2015—2019 йилларда халқро шартномаларни ратификация қилишга қаратилган 47 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, ушбу рақам олдинги чақирқлардагига нисбатан икки баравар кўпдир.

Ўзбекистоннинг халқро шартномалардаги мажбуриятлари бажарилиши ҳамда халқро йўналишда қабул қилинган "Йўл хариталари" ижроси устидан парламент назорати кучайтирилди. Масалан, парламентнинг БМТнинг Барқарор ривожланиш макссалларини Ўзбекистон томонидан бажаришга, мамлакатимизнинг халқро рейтинглар ва индекслардаги кўрсаткичларини янада яхшилашга доир режалар ижросига ҳам фаол ҳисса қўймоқда.

Мутахассислар таъкидлаганидек, парламент давлат ҳокимиятининг бошқа институтидан фарқи равишда доимо "демократия назарияси ва амалиётининг кесилуви рўй берадиган нуқтада туради" ва халқ ҳокимиятичилигининг тисмоли ҳисобланади. Айни чоғда давлат ҳокимияти тизимида парламентнинг ролини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар халқ вакилларидан янада фаол бўлишни талаб этади. Шу маънода, парламент ислохотларининг ум маънодаги ташаббусқори ва маддратқори бўлиш учун бор салоҳиятини ишга солган ҳолда, ўз фаолиятини такомиллаштириб бораверади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ
масалалари кўмитаси раиси.

ЮТУҚЛАР ХАЛҚРО РЕЙТИНГЛАРДА ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА



Сўнгги беш йилда мактабларни замонавий қиёфага келтириш, ўқувчилар учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари кўлами сезиларли даражада ортди. Масалан, 2016 йилда 371 мактабга 379 миллиард сўмдан ортиқ маблаг ажратилган бўлса, 2020 йилга келиб 505 та мактабга 1,7 триллион сўм маблаг йўналтирилди.

Ҳозирги глобаллашув ва бозор иқтисодиёти шароитида юксак салоҳиятли, билимли, маъсулиятли, рақобатбардор кадрларни етиштириш марказонидан ҳам долзарб ҳар-салалга айланганлигини эъти-борга олиб, ёшларни олий таълимга жалб қилиш даражаси ортди.

Масалан, 2016 йилда олий таълимнинг бакалаврият босқичига қабул квотаси 58 мингдан зиёددан ташкил этган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич 148 минг 114 тадан иборат.

Ҳозирги кунга келиб, олий таълим муассасалари сони 2016 йилдаги 77 тадан 136 тага етди, 33 та хорижий олий таълим муассасасининг филиаллари фаолияти йўлга қўйилди.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бир қатор халқро рейтингларда ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, БМТ томонидан 2020 йилда эълон қилинган Инсон камолоти индексида Ўзбекистон 189 та давлат орасида 106-ўринни, МДҲ республикалари ичида 8-ўринни эгаллаб, инсон тар-рақийети даражаси юқори бўлган мамлакатлар қаторига кирган.

Мажлисда соҳада олиб борилаётган ижобий ишларга қарамасдан айрим камчиликлар сақланиб қолаётганлиги ҳам таъкидланди. Хусусан, таълим муассасаларидаги Кузатув ва Васийлик кенгашлари фаолиятини кучайтириш, мактабгача ёшда-ги болаларни таълимга жалб этиш қамровини кенгайтириш, мактаблардаги ўқув-ла-

БОШҚАРИШ

боратория хоналари моддий-техника таъминотини яхшилаш, ўқитувчиларни ишга қабул қилиш жараёнини очиқ ва шаффоф ташкил этиш, педагог ходимларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш-да йўл қўйилаётган камчиликлар таҳлил этилди.

Ингилишда Мақтабга таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилиб, таълим тизими билан боғлиқ барча масалалар парламентнинг доимий назоратида бўлиши қайд этилди.

Мажлисида Самарқанд вилояти мисолида аниқланган камчиликларни бошқа ҳудудлар маъсулларини иштирокида яна бир қарра муҳокама қилиш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш зарурлиги таъкидланди.

Қўрилган масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Шунингдек, пахта йиғим-терим мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, теримчилик учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишга маъсул ташкилотлар устидан назоратни таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳ вазифалари хусусида сўз юртилди. Жорий йил 5 октябрдан эътиборан вилоятда Ҳукумат қарори билан белгиланган терим суммасига, клас-терлар ва фермерларнинг ички им-кониятидан келиб чиққан ҳолда, қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 400 сўмдан қўшимча ҳақ тўланиши йўлга қўйилганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Кармана туманидаги фермер хўжалиқларида меҳнат қиладиган теримчилик ҳузурида бўлиб, улар учун яратилган шарт-шароит билан танишди.

Маҳаллабай ишлаш тизими натижалари қандай бўлмоқда?

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйи-

ЮТУҚЛАР ХАЛҚРО РЕЙТИНГЛАРДА ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

боратория хоналари моддий-техника таъминотини яхшилаш, ўқитувчиларни ишга қабул қилиш жараёнини очиқ ва шаффоф ташкил этиш, педагог ходимларни илмий фаолиятга кенг жалб қилиш-да йўл қўйилаётган камчиликлар таҳлил этилди.

Ингилишда Мақтабга таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилиб, таълим тизими билан боғлиқ барча масалалар парламентнинг доимий назоратида бўлиши қайд этилди.

Мажлисида Самарқанд вилояти мисолида аниқланган камчиликларни бошқа ҳудудлар маъсулларини иштирокида яна бир қарра муҳокама қилиш ва тегишли чора-тадбирларни белгилаш зарурлиги таъкидланди.

Қўрилган масалалар юзасидан Парламент комиссиясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Шунингдек, пахта йиғим-терим мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, теримчилик учун муносиб меҳнат ва дам олиш шароитларини яратишга маъсул ташкилотлар устидан назоратни таъминлаш мақсадида тузилган ишчи гуруҳ вазифалари хусусида сўз юртилди. Жорий йил 5 октябрдан эътиборан вилоятда Ҳукумат қарори билан белгиланган терим суммасига, клас-терлар ва фермерларнинг ички им-кониятидан келиб чиққан ҳолда, қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 400 сўмдан қўшимча ҳақ тўланиши йўлга қўйилганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Кармана туманидаги фермер хўжалиқларида меҳнат қиладиган теримчилик ҳузурида бўлиб, улар учун яратилган шарт-шароит билан танишди.

Маҳаллабай ишлаш тизими натижалари қандай бўлмоқда?

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйи-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЕРЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ?

Мамлакатимизда ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назорати борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам қабул қилинди. Мазкур ҳужжатнинг ижроси назорат-таҳлил тартибиде Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси томонидан ўрганилди.

Қайд этилганидек, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш, аэрокосмик суратга олиш, давлат картография-геодезия кадастрини юритиш бўйича қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Хусусан, Кадастр ва рўйхатдан ўтказиш интеграциялашган ахборот тизими яратилди. Ушбу тизим орқали қишлоқ хўжалиги ерларини электрон шаклда давлат рўйхатидан ўтказиш бошланди. Электрон ҳисобга олин-

тизими орқали олиш имконияти яратилди.

Хар қандай фойдаланувчи кўчмас мулк, унинг тури, жойлашган жойи, чегараси, майдони ва ҳуқуқ эгалари ҳақида map.geoport.uz сайти орқали маълумот олиш имконияти йўлга қўйилди. Барча ер участкалари, жумладан, қишлоқ хўжалиги ерларининг тўлиқ электрон хариталари яратилиб, улар тўғрисидаги маълумотларни очик-ошқора эълон қилиб бериш бўйича gis.kadastr.uz онлайн геопортал пилот тарзида ишга туширилди. Бугунги кунда 24 та йўналишда очик маълумотлар Кадастр агентлигининг kadastr.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилиб, янгиланиб борилаётган.

Тадбирда депутатлар соҳада амалга оширилган ишларни эътироф этиб, ўрганишларида аниқланган муаммоларни бартараф қилишга қаратилган тақрир ва тавсиялар берди. Қишлоқ хўжалиги ерларининг тўлиқ электрон шаклда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича қатор амалий ишлар қилинмоқда.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЖИДДИЙ ЭЪТИРОЗИГА САБАБ НИМА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси томонидан "Аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлашда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг ўрни ва ривожланиш истиқболлари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганича, сўнгги йилларда юртимизда аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон ҳамда сифатли фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган 50 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Натижада мамлакатимиз фармацевтика тармоғига сармоялик қўлами ошиб боришига ҳуқуқий замин яратилди. Маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун эса узоқ муддатли стратегия қабул қилиниб, энг зарур дори препаратлари, инфузион эритмалар, вакциналар, қон препаратлари, бир марта ишлатиладиган тиббий буюмларни ишлаб чиқариш йўлига қўйилди.

Айни чоғда дори воситалари ишлаб чиқарувчилар беш йил давомида барча солиқларни тўлашдан озод қилинди. Ўзбекистоннинг фармацевтика бозорига ўсиш динамикаси йилга 8—10 фоизни ташкил этиб, МДҲ минтақасида энг тез ривожланаётган бозорлар қаторидан ўрин эгалламоқда. Шу билан бирга, мамлакатимизда дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг халқро стандартлари ҳам жорий қилинаётгани халқ вакиллари томонидан эътироф этилди.

Тадбирда депутатлар юртимизда фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун етарли хом ашё базаси мавжудлигини, яъни 4 минг 500 га яқин ўсимлик турлари бўлиб, 750 турдаги до-

ривор ўсимликлардан фақатгина 70 таси маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётганини таъкид остига олди.

Бугунги кунда маҳаллий фармацевтика тармоғи аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжининг қарийб 30 фоизини, товар ҳажми бўйича ифодалаганда 45 фоизни қоплайди. Илгор тажриба ва технологияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқариладиган фармацевтика маҳсулотлари турлари, жумладан, онкологик, гормонал, қон препаратлари, вакциналар каби инновацион биотехнологик дори воситалари ишлаб чиқариш қамлиги, илм-фан ва санонат корхоналари кооперациясини ривожлантириш учун эса замонавий билимларга эга малакали мутахассислар тайёрлаш талаб даражасида эмаслиги ҳам депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Давра суҳбатиде қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижросини мунтазам равишда ўрганиб бориш, амалиётда юзага келаятган муаммоларни, ўз ечимини кутаётган масалаларни бартараф этиш, соҳани янада ривожлантириш ва такомиллаштириб бориш юзасидан қатор тақлифлар берилди.

Тадбир якунида 2020—2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг фармацевтика тармоғини ривожлантириш концепцияси ҳамда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг ижросини таъминлашга қаратилган аниқ тавсиялар билдирилди ва кўмитанинг қарори қабул қилинди.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ ЁШИ ЎЗГАРЯПТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Бош прокуратура томонидан "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси киритилди.

Ушбу қонун лойиҳаси парламентнинг қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасида даст-лабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони билан

кўтариш, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар, хусусан, Жиноят кодексининг 128 ва 129-моддалари санкцияларини кучайтириш назарда тутилади.

Шунингдек, лойиҳага вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳчи сўроқ қилишнинг умий қонунчиликнинг кун давомида тўрт соатдан ошмаслигини белгиллаш, вояга етмаган жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ёки айбланувчинини сўроқ қилишда вояга етмаган шахсининг ёки унинг қонуний вакилининг илтимосига кўра психолог иштирок этишини таъминлашга қаратилган нормалар киритилмоқда.

Мунисхон ҚАРИМОВА.

